O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ХОКИМА
УЗБЕКИСТАНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2020 yil «20» Август № 1196

**“GEOLOG” хусусий корхонасига туман давлат захира ерлари № 4 участкасида жойлашган “Shirin” доломитлашган охак тош кони қисмидан доломитлашган охак тош қазиб олиш карьери (қазилмагохи) учун ер майдони танлаш ва ажратиш хақида**

Тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб хамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,20, 23 ва 78-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Махаллий Давлат хокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,10,25-моддаларига асосланиб

**КАРОР КИЛАМАН:**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун лицензиялар бериш буйича комиссияси томонидан 07 июн 2018 йилда берилган серия ҒR тартиб рақами 0136 “Ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун” берилган Ғ 5 турли лицензияси асос учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон тумани доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Шурсув кургони атрофидаги ерларидан “GEOLOG” хусусий корхонасига туман давлат захира ерлари № 4 участкасида жойлашган “Shirin” доломитлашган охак тош кони қисмидан доломитлашган охак тош қазиб олиш карьери (қазилмагохи) учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги 2020 йил 10 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3.“GEOLOG” хусусий корхонасига “Shirin” доломитлашган охак тош кони қисмидаги қишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган туман давлат захира ералри № 4 участкаси № 258 қ контуридаги жами 3,00 га (уч гектар) гектар ер майдонидан доломитлашган охак тош қазиб олиш карьери (қазилмагохи) 07 июн 2018 йилда берилган серия ҒR тартиб рақами 0136 “Ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун” берилган Ғ 5 турли литцензияларининг 4 иловасида белгиланган чегараси бўйича 07 июл 2023 йилгача вақтинча фойдаланиш хуқуқи билан танлаб, ажратиб берилсин.

4.Ушбу карорни ижросини белгиланган муддатларда бажарилишини назорат килиш туман хокимининг уринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими : Қ.Джураев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI O'ZBEKISTON TUMAN HOKIMLIGI
BAYON QISMI